

## Ҳинд ва аҷам ғазоти

Image not found or type unknown



13:22 / 17.07.2024 2592

هُلِّلَا يَضَرَّ رَءْيِيَّ رَهْ يَبَا نَع  
هُلِّلَا لُؤْسَرَا نَدَعُو: لِقَا هُنَع  
وَزَعَا مَلَسَا وَهَيْلَعَا هَلِّلَا يَلَص  
قِفْنَا أَهْتَكِرْدَا نِإْفِ دُنَهَلَا

نِإْفِ يِلْأَمَوِ يِسْفَنَ أِهْيَفِ  
لَضُفَافُتُنْكَ تُلْتُقِ  
وَبَأْأَنَافُتُغَجْرُ نِإْوِءَادَهُشَلَا  
رُحْمُ لَأَؤَزِيْرُهُ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ алайҳиссалом бизга Ҳинднинг ғазотини ваъда қилганлар. Агар ўшангача етиб борсам, молимни ҳам, жонимни ҳам сарфлайман. Агар ўлдирилсам, шаҳидларнинг афзали бўламан. Агар қайтиб келсам, озод қилинган Абу Хурайра бўламан».

نَمِنَاتَبِاصِعٍ «: ةَيَاوْرِي فَو  
: رَانِلَا نِمُهُ لَلْأُمُّهَزْرَحَ أَيْتُمُ  
ةَبِاصِعٍ وَذَنْهَلَا وَزَعْتُةَبِاصِعٍ  
نُبَايَسِيَعَعَمُ نُوكَات  
يْفِيئَسْنَلَا أُمُّهَأَوْرٍ. «مَيْرَم  
دَاهِجَلَا

Бошқа бир ривоятда:

«Аллоҳ менинг умматимдан икки гуруҳни дўзахдан сақлаган: бири - Ҳиндга ғазот қиладиган гуруҳ, бири - Ийсо ибн Марям алайҳиссалом билан бирга бўладиган гуруҳ», дейилган.

*Иккисини Насоий ривоят қилган.*

هَلَلَا يَلَصَّ يَبْنَ لَانَعُ هَنْعُو  
مُوقَاتِ أَل «: لَأَقَمَّ لَسَوِ هَيْلَع  
أَزُوخِ أُولَاتِ أَقَّتِ يَّتَحُّ عَأَسَلَا  
رَمُحٍ مَجَاعُ أَلَا نَمَنَا مَرَكَّ وَ  
رَاغِصٍ فُونُ أَلَا سَطْفٍ هُوَجُ وُلَا  
نَاجَمُ لَأُمُّ هَهُ وَجُ وَ نِيْعُ أَلَا  
رَعَّ شَلَا مُهَلَّاعِنُ عَقَرُ طُمُ لَأ  
يِرَاخُ بَلَا هَأَوْرُ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Ажамлардан Хуз ва Кирмон билан, юзи қизил, бурни пучуқ, кўзи қисик одамлар билан, юзи худди тери қопланган қалқонга ўхшайдиган қил кавушлилар билан қитол қилмагунингизча Қиёмат қойим бўлмайди**».

*Бухорий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Хуз – Аҳвоз ва Тистир деган жойлардир. Бу ривоятда номлари зикр қилинган маконлар ва сифатлари зикр қилинган ажамлар билан катта урушлар бўлган, сўнг бу халқлар Исломга кирганлар. Шу билан Пайғамбар алайҳиссаломнинг гаплари ўз тасдиғини топган.

**«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан**